

# **БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР М.БЕХБУДИЙНИНГ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ**

Умумий педагогика кафедраси катта ўқитувчиси М. Соибназарова

**Аннотация:** Ушбу мақолада М.Беҳбудийнинг комил инсон тўғрисидаги таълимотларидан намуналар келтириш асосида бугунги кунда қилинаётган ишларимизнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинганд.

**Калит сўзлар:** илм, фан, маърифат, тарбия, таълим, комил инсон тарбияси, маънавий мерос, маънавий омиллар, миллат, умумбашарий тараққиёт, дунёвий илм-фан ва технология.

Мамлакат мустақиллигидан кейинги йилларда маънавий баркамол инсонни тарбиялаш масаласида асрларга татигуллик ишлар амалга оширилади. Илм – фан, маърифат буларнинг замирида хосил бўладиган маънавиятга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу бир жиҳатдан аждодларимизнинг маънавий меросини бардавомийлиги бўлса, иккинчи жиҳатдан замон ва давр талабига хосдир.

“Айни вақтда бугунги мураккаб ва шиддатли замонда жаҳонда ўз ўрнини топишга интиладиган ҳарқандай халқ ва миллат умумбашарий тараққиёт ютуқларини ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллаш шартлигини барчамиз яхши тушунамиз”, - деб ёзади биринчи президентимиз И.А. Каримов.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ўтган асрнинг бошидаёқ “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебахра миллат бошқаларга поймол бўлур”, деган ҳаққоний фикрлари билан Туркистон аҳлининг онгу шуурини уйғотишга даъват этгани бежиз эмас, албатта, бу сўзларнинг қанчалик хақиқат эканини бугунги юксак тафаккур ва технологиялар замони ҳам исботламоқда.“Чиндан ҳам, агарки ҳозирги вақтда дунёвий илм-фан ва технологияларни чуқур ўзлаштирумасак, замон билан ҳамқадам бўлиб юрмасак, бизнинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашимиз қийин бўлади”.

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бўсағасидаги Туркистоннинг орзу – армонларидан бири сифатида майдонга келади. У ўз даврининг ижтимоий – сиёсий ҳаракатларида фаол қатнашган энг йирик намояндаси, янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси эди. Туркистон ҳадидларининг тан олинган раҳномаси, янги мактаб тоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драмачилигини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист эди. У тарихимизнинг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. XVI асрдан бошлаган инқироз ва турғунлик, жаҳолат ва мутаассиблик авж пардасига чиққан, ўзаро жанжал, маҳаллий уруғчилик низолари миллатни беҳад ҳолдан тойдирган эдикни, бу имкондан фойдаланиб ўлкани забт этган Россия зўрбериб, уни турғун ва тутқун сақлашга уринар эди. Мана шундай

бир шароитда миллатни бутунлай маҳв бўлиш ва Ватанинн буткул ғорат этилиш хавфидан асраб қолиш, авлодларни эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлаш жадидлар номи билан тарихга кирган Беҳбудий бошлиқ фидойилар зиммасига тушди.

Тарихимизнинг сўнгги юз йилдан ортиқроқ даврида халқимизнингэнг катта армони бўлиб келган бугунги истиқлол куртаги дастлаб мана шу жадидлар қўксисида ниш уриб етилган эди.

XX аср ўзбек маорифи ва маданияти, қолаверса, бугунги мустақиллик тафаккуримиз эҳтимолки, шу жадидлар олдида бурчлидир. “Усули жадид”, “усули савтия” номлари билан шуҳрат топган янги мактабни Туркистонда шулар ташкил қилдилар. Шулар биринчи бўлиб замонавий олий ғоясини илгари сурдиларўнлаб жамиятлар, ширкатлар уюштириб, улар ёрдамида қанчадан – қанча ёшларни тараққий қилган Оврупо мамлакатларига ўқишига юборишига муваффақ бўлдилар. Ўзбек театрининг биринчи ғиштини қўйган, нашру матбуотини бошлаб берган ҳам шулардир.

Жадидлар ўз ҳисобларидан мактаблар очиб, ёш авлодни истиқлолга тайёрладилар, шеър ва мақолалар, сахна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришига, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришига уриндилар (Русия қонунлари имкон берган даражада Туркистон мусулмонларининг шаъну шарафини ҳимоя қилдилар), инқилоб йилларида эса мустақиллик байробини баланд кўтардилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мана шу фидойилар орасида мумтоз бир ўринни эгаллайди. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида 20-йилларда маҳаллий матбуотда Садриддин Айний, Ҳожи Муни ибн Шукрулло, Лазиз Азиззода каби замондошлари томонидан бир қатор мақола, хотиралар эълон қилинган. Кейинги йилларда, хусусан, мустақилликка эришилгандан сўнг жадидлар фаолиятини ўрганишга ҳаракат кучайди. Беҳбудий ҳам қайта нашр этила бошланди. Шу муносабат билан 20 – йиллар адабиётшунослиги материалларига эҳтиёж ўсиб борди. Жумладан, Беҳбудий таржимаи ҳолини ёритишида Ҳожи Муиннинг 1922 – 23 йилларда ўзи муҳаррирлик қилган “Мехнаткашлар товуши” (1922), “Зарафшон” (1923) газеталарида чоп этган мақолалари муҳим аҳамиятга эга. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида 70 – йиллардан бугунги кунгача эълон қилиниб келаётган Солиҳ Қосимов, Аҳмад Алиев, Наим Каримов, Сирожиддин Аҳмедов, Шерали Турдиев ва бугунги ёш тадқиқотчилар Ҳалим Сайид, Нормурод Авазов, Зебо Аҳророва ишларининг барчасида мана шу Ҳожи Муин маълумотлари асос қилиб олинади.

Тахмин қилиш мумкинки, ёш Маҳмудхўжа дунёқарашининг шакланишида Русия жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспралиниң хизмати катта бўлган. Шарқу Ғарбнинг тарих ва маданиятини чуқур билган, араб, форс тиллари билан бир қаторда инглиз, немис, француз тилларида ҳам эркин сўзлаша олган бу киши 1881 йилда рус тилида “Русия мусулмонлиги” китобини ёзади. Бу китобда у, Русияда яшовчи барча мусулмонларининг ўзлигини сақлаб қолиш йўли битта, у ҳам бўлса, маърифат ва у орқали мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётига тенгма – тенг

аралишишга эришмоқдир, деган фикрни илгари суради. Бу йўлдаги биринчи қадам «усули жадид», «усули савтия» номлари билан тарихга кирган янги мактабларни ташкил қилиш бўлди. «Ал-он Русиядаги минглар ила низомлик мактаблар ва собиқ нашр бўлган ва ҳозир фаълан нашр бўлуб тургон юзлар ила исломий мажалла ва жаридаларнинг барча муҳаррир ва муридлари ул зоти сутуда сифотни шогирдлариурлар», деб ёзган эди Беҳбудий 1914 йилда.

1884 йилда И smoилбекнинг машҳур «Таржумон» газетасига обуна бўлган 1000 кишининг 200 таси Туркистондан эди.

И smoилбек 1892 йилда Туркистондаги мактабларни ислоҳ қилиш, «усули савтия»ни жорий этиш таклифи билан генерал-губернатор Н.О.Розенбаҳга мурожаат этди. Жавоб ололмагач, 1893 йилда Тошкентга келади, Самарқанд, Бухорода бўлади. Маҳаллий халқ билан гаплашиб, дастлабки янги усул мактабларини очишга муваффақ бўлади. Сўнг 1897 йилда яна Туркистонга келади...

Барча нарсага қизиқувчан Маҳмудхужанинг Яқин ва Ўрта Шарқда номи танилган И smoилбек Гаспралининг Туркистон сафарларидан бехабар қолиши қийин эди. Тўғри И smoилбек келиб Туркистонда очиб кетган янги мактаблар узоқ давом этмади, ғайришаръий сифатида мутаассиблар томонидан ёпилди. Лекин «Таржумон»нинг муштариylари кўпайиб борди. Устоз-шогирд муносабатлари самимий дўстликка айланди. Беҳбудий ўз хотираларида устоз билан учрашувларини ихлос ва муҳаббат билан тилга олади.

1899—1900 йилларда Беҳбудий бухоролик дўсти Ҳожи Бақо билан ҳаж сафарига чиқади. «1318 санаи ҳижрияси тавофи Байтуллога Кафказ йўли ила Истамбул ва Миср ал-Қоҳира воситасида бориб эдим. Муддати сафарим саккиз ойдан зиёдачўзилуб эди»,— ёзади Беҳбудий бу ҳақда. Дунё қўриши изсиз кетмайди. Сафар янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди. Унинг ташаббус ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи (С.Сиддиқий), Ражабамин (А.Шакурий) қишлоқларида янги мактаблар ташкил топади. Адиб ушбу мактаблар учун дарсликлар тузишга киришади. Кетма-кет унинг «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий» (1905), «Китобат ул-атфол» (1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) кабикитоблари пайдо бўлади»

1903 йилда Ҳалвойида қурилган мактаб биноси ҳозир ҳам сақланиб келмоқда. Шакурий мактабини эса Беҳбудий 1908 йилда Самарқандга ўз ҳовлисига кўчириб олиб боргани маълум.

Тошкентда, Фарғона водийсида янги мактаблар ташкил топа бошлайди.

Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмасди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг аҳволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарии, миллат учун шундай ойна керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин.

Мана шу эҳтиёж ва зарурат Беҳбудийни театр ва матбуот сари бошлиди. «Падаркуш» шу тарифа майдонга келди. Бироқ унинг дунё қўриши

осон кечмади. Бунга сабаб: биринчидан, чор ҳукумати мустамлака Туркистонининг маърифат йўлига кириб, ўз ҳукуқини таисишидан манфаатдор эмас эди; 1916 йилдаги Туркистон генерал-губернатори Н.Р.Куропаткиннинг ўз кундалигида ёзган ва бугун жуда машҳур бўлиб кетган: «Биз тубжой халқни тараққиётдан, мактабдан, рус ҳаётидан 50 йил четда тутдик»,—деган сўзларини эслаш кифоя. Иккинчидан, турғунлик ва тутқунлик туфайли авж олган жаҳолат, мутаассиблик. «Кимики саҳнада кўрсанг, они жасорати бу»,—деб ёзган эди шоир Тавалло. Бу, бежиз эмас. Хуллас, 1911 йилда ёзилган «Падаркуш» драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқади. Китоб жилдидаги: «Бородино жанги ва Россиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади»,—деган ёзув ва унинг Тифлис цензурасининг рухсати билан чоп этилиши шуни кўрсатадики, иш осон кўчмаган. Пьеса босилиб чиққандан кейин ҳам, уни саҳнага қўйиш учун яқин бир йил вақт кетди. Муаллиф бу хақдаги хатларга жавобан «Щыйнатургон одам йўқ. Азбаски, Туркистонда бекор одам йўқки, халқ учун ишласа. Бекор киши йўқки, театру саҳнасига чиқиб, “масхарабозлик” қилса», - деб ёзади.

Президент Ш.М.Мирзиёевайтганидек, бугунги кунда олдимизга қўйилган буюк мақсадларимизга, эзгу – ниятларимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳатларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири-буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган миллий ва умумбашарий ютуқларни, илм – фан технологияларни ўзлаштирган маънавий баркамол, юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғиқлигини барчамиз англаб етмокдамиз. Шунинг учун келажак пойдевори бўлган баркамол, маънавий етук авлод тарбиясига бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи омили сифатида қаралиётгани мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоғ миллий таълим-тарбия тизимини таомиллаштириш, унинг миллий маънавий ва ҳуқуқий заминларини мустаҳкамлаш, замон талаби билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва қўнималари даражасига чиқариш масаласига алоҳида эътибор берилиб келинаётгани бежиз эмас. Чунки, фақат руҳан пок, қалбан улғайган, иймон-этиғодли, ички дунёси, иродаси бақувват, виждони уйғоқ, ташаббускор, изланувчан, янгича фикрлайдиган инсонгина бугунги жуда мураккаб иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий муаммоларни тўғри ечимини топа олади. Шунинг учун ҳамфуқароларимизни, айниқса, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун маънавий-маърифий ва таълим-тарбиявий жараёнларни доимий равишда такомиллаштириб боришимиз, замонавий, ижтимоий-сиёсий билимлар билан бирга авлодларимиз қолдирган бойликларни ибрат намуналари билан уйғунлашган ҳолда етказиб беришимиз яхши натижаларга олиб боради.

### Адабиётлар

1. Беҳбудий М. Ҳаҳ олинур, берилмас // Ёшлиқ. 1991, 10-сон. Б.42. 43
2. Беҳбудий М. Танланган асарлар. Топпсент: Маънавият, 1999. Б.204

3. Қосимов Б. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Тошкент: Маънавият, 2004.
4. Алимова Д.А., Рашидова Д.А. Махмұхұжа Бекбүдій ва унинг тарихий тафаккури. Тошкент: Академия, 1999. Б.53.
5. Каримов Н. Махмұхұжа Бекбүдій. Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
6. Soibnazarova, M. (2022). ЗНАЧЕНИЕ ТРУДА АБДУРАУФА ФИТРАТА В ОБРАЗОВАНИИ РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5100>
7. Soibnazarova, M. (2022). ПРОЯВЛЕНИЕ ИДЕИ ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА И ЧЕЛОВЕЧНОСТИ В ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АБДУЛХАМИДАЧУЛПАНА. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5101>
- 8.Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАША ОЛИШ ТАФАКУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4746> (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
- 9.Mamadoli Isoqulov, ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
- 10.Isoqulov, M. (2021). ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Zamonaviy ta'limda Pedagogika Va Psixologiya Fanlari, (2). Retrieved from <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3018>
- 11.Шарафитдинов А. и др. Проблема застенчивости у ребенка и ее устранение //Образование и воспитание. –2020. –№. 2. –С. 64-66.
- 12.Шарафитдинов А. и др. Формирование у учеников чувства общности //Образование и воспитание. –2020. –№. 2. –С. 66-67
- 13.Маджидов Дж Б, Маджидова В, Шарофиддинов А. Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе.страницы: 22-24 источник: актуальные вопросы современной психологии материалы международной научной конференции. 2017
- 14.Sharaffitdinov, A., & Yusupov, U. (2022). The opportunities of educating morality for children through samples of folklore. Eurasian Scientific Herald, 5, 65-68.
- 15.Sharafitdinov Abdulla, Qurbonboyev Miraziz Zulxaydar o‘g‘li Psychological Characteristics of DecisionMaking in Management Global Scientific Review A Peer Reviewed, Open Access, International Journal www.scienticreview.com Volume 1, February 2022 ISSN (E): Pending
- 16.Sharofitdinov, A. (2022). BOSHQARUV JARAYONIDA QAROR QABUL QILISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогики и

психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от  
<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5405>